

# O'ZBEKISTON



## OYOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2005-YIL • 3-FEVRAL • PAYSANBA • 14 (27.349) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

### БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ




2001 йилда ишга туширилган 1200 ўринли Зомин тиббиёт коллежиди бугун 1150 ўқувчи тахсил оляпти. Тоғ кишлоқларидан келиб ўқиётган ўқувчилар учун зарур кулайликларга эга ётоқхона мавжуд. Спорт зали, ошхона, кутубхона, фан кабинетлари, лабораториялар керакли жиҳозлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланган. Малакали шифокор ва мураббий ўрозбок Убайдуллаев бошлик муаллимлар ҳамда шифокорлар жамоаси айигит-

кизларнинг пухта билим олишлари ҳамда тиббиёт касби сирларини яхши ўзлаштиришлари учун куч-ғайратларини аямасдан ишламоқда. Кишлоқ жойларида эса мазкур коллежни тамомлаётган ўрта махсус маълумотли тиббиёт кадрларига нисбатан талаб катта.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**  
Суратларда: коллежнинг бир гуруҳ ўқувчи ва ўқитувчилари.  
**Шавкат АҚРАМОВ** олган суратлар

### «ИМПЕРИЯ ДАВРИДА БИЗНИ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ОДАМЛАР, ДЕБ ҲИСОБЛАШАР ЭДИ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи республикамиз Президент Ислоҳ Каримовнинг «Независимая газета» мухбири саволларига жавобларини «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» деган сарлавҳа остида рисола тарзида чоп этди



Президентимиз Грузия ва Украинада сўнгги пайтларда содир бўлган воқеалар хусусида ўз нуқтаи назарини баён этиб, ҳар ким демократик янгилашни, фуқаролик жамиятини куриш йўлини ўзига хос йўсинда босиб ўтишини алоҳида таъкидлади. «Биз, — деб қайд этади давлатимиз раҳбари, — халқ ҳокимияти бўлмиш демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, улarga сўзсиз риоя этган ҳолда, айна пайтда ўз ҳаракатларимизни халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб боришимиз керак».

Рисолада доимий равишда фаолият юритадиган икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар тўғрисида ҳам алоҳида сўз юритилади. «Доимий равишда фаолият юритадиган

профессионал парламентнинг шакллантирилиши шунки кўрсатадики, — деб таъкидлайди Юртбошимиз, — давлатни ислоҳ қилишда биз этилиб келаётган ва давр илгари сураётган ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият беряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тисолида шундай бир восита яратилмоқдаки, биз унинг ёрдамида халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлай олишимизга ишончим комил».

Президентимизнинг қайд этишича, янги парламент олдиди турган энг долзарб вазифа — ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган мукамал қонунларни яратишдир. Бу мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг рисолали мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши соҳасида, суд-ҳуқуқ тизимида, иқтисодиёт тармоқларида, таълим ва маънавиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти теран очиб берилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Шу билан бирга, Президентимиз Марказий Осиё минтақаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни, халқаро миқёсдаги сиёсий воқеаларни ғоятда теран таҳлил этган. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган.

Рисола ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилди.

(ЎзА)

### Миллий истиқлол ғояси

## БУНЁДКОР ДИАЛЕКТИКА

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган фикр ва қарашлар, янги ғоялар миллий истиқлол мафқурасининг диалектик асосини янада мустаҳкамлайди, унинг амалий қимматини оширади, энг муҳими, келгусидаги бунёдкорлик ишларимизда услубий асос, дастуриламал бўлиб хизмат қилади

Фалсафа фанидан яхши маълумки, диалектика турли қарама-қаршиликлар ўртасидаги боғлиқликни, уларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганади. Тараққиёт қонунларини тушуниш, улардан тегишли сабоқ ва хулосалар чиқариш, бир сўз билан айтганда, нарсаси-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етишди диалектиканинг аҳамияти бекиёс. Бу таълимот инсонни қиёсий-таҳлилий асосда фикрлаш, масаланинг фақат бир томонини эмас, балки бошқа томонларини ҳам инобатга олган ҳолда чуқур ўйлаш, дунёни кўп қиррали, тез ўзгарувчан ҳодиса сифатида тасаввур қилишга имкон беради. Шу боис диалектик асосда фикрлайдиган одам нарсаси-ҳодисаларнинг нафақат ташқи жиҳатларини, айни пайтда ички боғлиқликларини ҳам назарда тутаяди, хусусий ҳолатлардан умумий хулосалар чиқаради,

умумий натижаларнинг хусусий омилларини ҳам фарқлай олади. Ана шу мулоҳазаларга таяниб, диалектика — ҳақиқатни бутун мураккаблиги билан англашга интиладиган инсон тафаккурининг муҳим белгиси, борлиқни қандай бўлса шундайлигича тушуниш заруратидан тугилган билиш ва фикрлаш шакли эканини таъкидлаш мумкин. Бинобарин, одамзот фикрлашни ўрганган даврларданок билиш ва англашнинг диалектик усули ҳам шакллана бошлаган.

Юртимиз ҳудудида етмиш йилдан зиёд ҳукмронлик қилган коммунистик мафқура барча инсоний қадриятлар қатори диалектик таълимотни ҳам сохталаштиришга, унинг моҳиятини бузиб, ҳаётга бирёқлама татбиқ этишга уринди. Мустабид мафқура инсониятнинг неча минг йиллик тафаккур тарихи билан боғлиқ бўлган мазкур таълимотни ўта тор ва чекланган

тарзда тушунтиришга ҳаракат қиларди. Чунинчи, бу мафқура ўзининг ғаразли мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, диалектика деганда кўпроқ қарама-қаршиликлар ўртасидаги доимий кураш жараёнини тушунар ва жамият ҳаётига унинг фақат шу хусусиятларини татбиқ этишга уринар эди. У айнан ана шу қарама-қаршиликлар диалектикасини баҳона қилиб, жамиятда сунъий равишда зиддиятлар чиқариш, уларни йўқ жойдан ўйлаб топишга эъро беради. Собиқ шўро давлати тарихидан бунга қўлпал мисоллар келтириш мумкин. Пролетар дохийларидан бири бўлмиш Иосиф Сталиннинг жамият ривожлангани сари синфлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам кучайиб боради, деган сохта назариясини олайлик.

2-БЕТ

### 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

## СОҒЛОМ ТУРМУШ — ТАН-СИҲАТЛИК ТАЯНЧИ

Мамлакатнинг тараққиёти, миллатнинг равақи, келажак авлоднинг баркамоллиги асоси — инсоннинг соғлиғи, яъни халқ саломатлиги жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, инсон саломатлиги 52 фоиз ҳолатда соғлом турмуш тарзига, 20 фоиз ҳолатда атроф-муҳит, экологияга, 20 фоиз ҳолатда ирсий омилларга, 8-10 фоиз ҳолатда эса даволашга асосланган тиббий муолажаларга боғлиқдир.

Соғлом турмуш тарзи — инсоннинг соғ-саломат, узоқ умр кўриши, у фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоалари, ёшлар таълим олаётган масканлар, маҳалларда элимизнинг миллий қадриятлари, маданий-маърифий ва замонавий анъаналар, оилалардаги соғлом маънавий муҳитни шакллантириш демакдир.

### ГРЕЦИЯДА КУРАШ ТУРНИРИ

Грециянинг Аминдео шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов соврини учун кураш бўйича халқаро турнир яқунланди. Халқаро кураш ассоциацияси раҳнамолигида ташкил этилган ушбу мусобақаларда Албания, Арманистон, Болгария, Венгрия, Греция, Грузия, Исроил, Кипр, Россия ва Ўзбекистондан ташриф буюрган 32 нафар курашчи ишти-

рок этди.

Турнирнинг очилиш маросимида ўзбек миллий спорт турининг халқаро миқёсдаги ихлосмандлари ошиб бораётгани таъкидланди: бугун 70 дан ортиқ мамлакатда кураш бўйича миллий федерациялар таъсис этилган. Олимпия ўйинлари ватани — қадимги Эллада заминиди мазкур турнирнинг ўтказилиши эса ўзбек курашининг келажакда Олимпиада ўйинларига киришига рамзий

ишора бўлди.

Мусобақаларнинг мураси-сиз ўтгани ҳақида уларнинг натижаларидан ҳам билиб олса бўлади. Масалан, кураш ватани вакили, ўзбекистонлик А.Тангриев иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди, холос. Турнир бош совринини 2004 йилги Олимпиада ўйинларининг дзюдо бўйича чемпиони, грециялик полвон И.Илиадис қўлга киритди.

«Жаҳон» АА

### БОБУРИЙЛАР ДАВРИ ЗАРГАРЛИГИ НАМУНАЛАРИ БЕРЛИНДА

Берлинда Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда ҳукмронлик давридаги заргар хунарамандлар маҳсулотлари намуналаридан ташкил этилган кўргазма намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Бобурийлар даври санъати дунё хазинасининг тақдорланмас дурдоналаридан экани эътироф этилди. Турли давлатларнинг нуфузли музейларида намойиш этилган мазкур коллекцияга Бобурийлар давлатчилиги даврида ижод қилган 300 дан ортиқ моҳир хунарамандлар томонидан оштин, қумуш ва турли-туман асл

тошлардан яратилган қимматбаҳо ва нафис курул-аслаҳалар ҳамда тақинчоқлар киритилган.

Кўргазмага ташриф буюрувчилар учун тарқатилган матбуот-релизларида Бобурийлар даврида Ҳиндистонда нафақат хунарамандчилик санъати, балки фан, маданият ва санъат ниҳоятда равақ топгани, давлатчилик асослари эса диний бағрикенглик ва кўп маданиятлик тамойилларига асослангани ҳақида маълумот берилган.

Баҳриддин АСЛАНОВ,  
«Жаҳон» АА, Берлин

### Болалар спорти

## РЕЖА ВА НАТИЖА

Режада аниқ айтилган: 2006 йилда умумтаълим мактаблари ўртасида ўтадиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари асосий баҳслари учун шу иншоот мўлжалланган. Ростми?

Рост. Қарши шаҳрида 600 ўринга мўлжалланган «Олимпия захиралари» спорт мажмуи қурилиши учун 14 гектар ер майдони ажратилган. Оз

эмас, 200 ўринли ётоқхона, ўқув биноси, 2 та спорт зали, усти ёпик гимнастика манежи, сузиш ҳавзаси, футбол майдони қурилади, хуллас, спортнинг ўнлаб турини ўрганиш учун барча шароитлар яратилади. Бош пудратчи 19-«Қашқадарё» ҳўқонқурилиш» акциядорлик жамияти спорт мажмуини тиклашга энг моҳир,

тажрибали курувчиларни жалб этган. Ҳозиргача 3 миллиард сўмликдан ошқ иш баҳариб кўйилди. Муддат эса — шу йилнинг август ойи. Қурилиш шиддати тузилган режалар ўз вақтида баҳарилишидан далолат бериб турибди.

Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —  
aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz  
Хизматлар лицензияланган



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай зарарли қараш оқибатида СССР ҳудудида қанчадан-қанча фожиа...

гуруҳларга бўлиб юбориши эмас, аксинча, уларни ўзаро бирлаштириш, уйғунлаштириш, улуг мақсадлар йўлида...

юртдошларимиз, аввало ёш авлод дунёқарашини соғлом асосда шакллантиришда...

қўйган эди. Масалан, Навоий — прогрессив, лекин унинг замондоши ва дўсти бўлган Ҳусайн — реакция...

назариди инсон, бир томондан, юксак орзу ва мақсадларни кўзлаб қараш...

Чунки бизнинг буюк аждодларимиз келгуси авлодларнинг ҳар томонлама муккамил бўлишини орзу қилган...

Миллий истиқлол ғояси

Бунёдкор диалектика

келажакни, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисликни, уларнинг ягона мақсад йўлидаги узлуksиз ҳаракатини эътироф этади.

Асосий ғояларимиздан бирининг «Динларо баргиренглик» деб аталishi ҳам миллий истиқлол мафқурасида...

дан озгина кўпроқ моддий бойлик ортирган одам албатта жазоланар, молмулки эса мусодара қилинар эди.

фан ҳам, дин ҳам асрлар давомида эътироф этиб келган ва бундай кураш бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг асрлар давомидаги ҳаётий тажрибаси, айниқса истиқлол йилларидаги маънавий-мафқуравий соҳада кўлга киритилган...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

«БИЗ БУ ПАРТИЯГА ИШОНАМИЗ!»

деб қатъий таъкидлашмоқда ЎзХДПга аъзо бўлаётган ёшлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Урганч шаҳар ташкилотининг сафи кенгайиб бормоқда.

Бехзод АБДРИМОВ: — Келажак ёшларники. Аммо қандай ёшларники, деган савол туғилади.

Музаффар НАЗАРОВ: — Сўнгги пайтларда партиямиз шаънига турли бўлмағур гап-сўзлар айтилмоқда.

Фурқат КАРИМОВ: — Халқ демократик партиясининг Низоми, Дастури ва Сайловоди Платформаси билан чуқур танишиб чиқдим.

Эргаш ТОЖИМУРОВОТОВ: — Мен эътиқоди суст одамларни ёқтирмайман. Бир одамни танийман, сўнгги ўн йилда уч марта партиявийлигини ўзгартирдим.

Рўзимбой ХАСАНОВ: — Мен эътиқоди суст одамларни ёқтирмайман. Бир партияга аъзо бўлдим, охиригача шу эътиқодимда собит турмоғим керак.

Анвар БЕКЧОНОВ: — Партиянинг халқ олдидagi обрў-эътибори нақадар баландлиги, аҳолининг турли қатламларида мустақкам ишонч қозонаётганига сайловлар жараёнида яна бир қарра иқро...

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий бешта тамойилидан бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишдир.

Бугунга келиб жамият фаолиятида ижобий ўзгаришлар ташаббускорлик, янгиликлар, бозор иқтисодиёти шароитида ноғиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳомиёлар, давлат қорхоналари эътиборини ноғиронлар муаммоларига қаратиш каби ҳаракатлар кўзга ташланмоқда.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ларни иш билан таъминлаш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ноғиронлар жамияти қошида кўплаб ишлаб чиқариш қорхоналари фаолият қўрсатмоқда.

мақдамиз, — дейди «Азизнеъмат-сервис» шўба қорхона директори Обидхон Қўқоров. — Қорхонамиз асосан ноғиронлар, кам таъминланганларни иш билан банд этиш ва уларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосий вазифаси деб билади.

Суратларда: қорхона фаолиятинан лавҳалар. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



Фармон ва ижро

КЕЧИРИМЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК, ИМКОНИЯТ

Кечиримлик, инсонпарварлик миллатимизнинг қон-қонига сингир кетган хислатлардан. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президентининг Амнистия тўғрисида қабул қилган Фармони юзлаб оилаларга қувонч олиб келди. Албатта, фуқароларимизни амнистия қандай шахсларга қўлланилади, деган савол қизиқтириши табиий.

Бухоро вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ҳамза ФАЙЗИЕВ билан суҳбатимиз ана шу ҳусусда бўлди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганлигини қўлланган ҳақиқат билан назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади. Мазкур Фармонга кўра, асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

— Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистия қўллаш масаласи кечиктирилиши мумкинми?

— Амнистия қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилинади. Сўраганингиздек керакли маълумотлар етарли бўлмаса, қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар, аммо икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга амнистия қўллаш масаласи кечиктирилади.

— Ҳамза Ҳакимович, мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичиде қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқтинлик қилади-деган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар жазодан озод қилинсин, дея қайд этилган. Бу ерда қандай касалликлар назарда тутилган?

— Бунда Фармон қонуний

кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичиде жазони ижро этиш ёки яшаш жойидеги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан сил касалигининг фаол формасига (1- ва 2- гуруҳ диспансер ҳисобидеги) чалинган деб топилган маҳкумлар; Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар назарда тутилган. Ушбу модда жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирган жиноятни содир этган шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 97-моддаси 2-қисми) қўлланилмайди.

— Улим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар амнистия имкониятидан фойдаланишга ҳақлими?

— Йўқ. Бундай шахсларга амнистия қўлланилиши мумкин эмас. Ҳар бир маҳкумга нисбатан Фармоннинг айнан қайси моддасини қўллаш мумкинлигини аниқлашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиши лозим.

— Фармон қандай шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди?

— Ута ҳаффи рецидивистлар, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумлар, шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибда жазодан озод

этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди. Фармоннинг 8-моддаси «б» бандига мувофиқ, ушбу Фармоннинг 1-, 4-, 6-, 7-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга амнистия Фармони татбиқ этилмайди.

— Амнистия имкониятидан фойдаланганлар ҳақидаги фактларга тўхталсангиз.

— Шу кунгача вилоятимиз бўйича 539 нафар шахсга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилди. Шулардан 512 нафари озодликка чиққан бўлса, 27 нафар шахснинг жазо муддатлари қисқартрилди. Маълумотларга кўра, 2005 йил 1 январь ҳолатида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида иштироки молия бошқармаси томонидан 9 миллион 795 минг сўм маблағ ажратилган. 1-, 2- гуруҳ диспансер рўйхатидаги 10 нафар озод бўлганлар соғлиқни сақлаш тизимига мурожаат қилган. Шулардан 2 нафарига сил касаллиги белгилари мавжуд бўлганлиги учун касалхонага жойлаштирилди.

Амнистия туфайли соғлом ҳаёт тарзига қайтганларни нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар ҳузурида кўнимка марказлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳамжиҳат иш олиб бормоқда. Чунки шу юрт, шу Ватан барчамизники экан, унда умргузаронлик қилаётган ҳар бир фуқаронинг тақдирига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА

Газетхон муаммо қўяди. Мутахассис мулоҳаза билдиради

Тахририятимизга қунонча газетхон, меҳнат фахрийси Эркин Иброҳимовдан «Хатолар тузатиладими?» номли мактуб-мақола келди. Унда муаллиф бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида баҳс-мунозаралар сабаб бўлаётган, мутасадди идоралар томонидан фуқароларга берилган илк ҳужжатларда исм-фамилиялар хато ёзилиб, кейинги ҳужжатларда ҳам бу салбий ҳолат давом этиб келаётгани ҳақида мулоҳаза юртади.

Республикаимиз мустақил бўлганига ўн тўрт йил бўлмоқда. Ўзбек тили Давлат тили мақоми берилганга эса 15 йилдан ошди. Шунга қарамастган ҳақон тилимизда, расмий ҳужжатларни юретишда бундай салбий ҳолатларнинг учроётганлиги

ачинарли ҳол. Айниқса, исм, фамилия, ота исмида учраётган хатолар ҳар қандай кишини ўйга толдириши табиий.

Тахририят мактуб билан таннишиб чиқиб, мақолада келтирилган мулоҳазаларни мутахассис фикри билан бирга эълон қилиш мақсадида уни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, ФХД ва адвокатура бошқармасига юборди. Яқинда бошқарма бошлиги Зухра Азимова имзоси билан жавоб хати олди. Мактубда кўтарилган муаммони амалдаги қонунлар доирасида ҳал этиш борасида маслаҳату тавсиялар ва тушунчалар беришди. Биз мактуб-мақола ва унга билдирилган мутахассис фикрини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Давлат тили мақоми берилди. Ушбу қонуннинг 15-моддасига кўра фуқаролар фамилия, исми, ота исмини тарихий миллий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Оила кодексининг 69-моддасига биноан болага фамилия ота-онанинг ёки улардан бирининг фамилияси бўйича, ёхуд ота ё она томонидан бобосининг исми бўйича берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатно-

ота исмини ўз ҳужжатларидаги каби айнан бир хилда ёзилиши талаб қиладилар. Шунингдек, кўпчилик ҳолларда ФХДе ходими томонидан ариза-қарор билан янги тузилган чақалқоннинг фамилияси, ота исмидаги имло-хатоларини тўғрилаб ёзиш ёки ота исми (отчество)ни русча «ович», «овна» ўрнига миллий анъаналарга мувофиқ «ўғли», «қизи» тарзида ёзиш мумкинлиги таъкирланган; ганди, фуқаролар агарда гувоҳнома иккинчи, учинчи фарзанда олинатган бўлса, аввалгилариники каби ўзгаришсиз ёзилиши талаб қилинади. Шу сабабли хатоларни тузатиш масаласида фуқароларнинг ўзлари ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

Ўзбек исмиларини тўғри ёзиш масаласига келганда, вазирлик томонидан барча ФХДе органлари профессор Эрнст Бегматовнинг «Ўзбек исмиларининг изоҳли лугати» номли китоби билан таъминланган ҳамда ҳар ойда ФХДе ходимларининг маласаксини ошириш борасида семинар машғулотлар ўтказиб борилади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим ҳолларда ота-оналар хоризж телесериалларида қизиқиб кетиб, болаларига кино қаҳрамонларининг исмини қўйишмоқда. Масалан, Навоий вилоятида ўзбек қизига «Эсмеральда», Қорақалпоғистонда «Марианна», Ўғил болага «Альберто» каби исмлар берилган. Яқинда вазирликка ўзбек ўғлининг исмини «Жексон» деб ёзиб беришни талаб қилишгаётганлиги тўғрисида телефон орқали мурожаат бўлди. Бундай ҳолда ФХДе ходими ота-онанинг хоҳишини рад қилишга ҳақли эмас. Шундай экан фақат ФХДе органлари ходимларини айбламасдан, ота-оналаримиз, Кайковуснинг «Кобуснома» асарига таъкидлангандек, фарзадада яхши исм бериш уларнинг ҳуқуқидан кўра кўпроқ бурчи эканлигини тушуниб етишса мақсадага мувофиқ бўлади.

Зойиндин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

ҲУЖЖАТЛАРИНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ? ЁКИ БАЪЗИ ИСМ-ФАМИЛИЯЛАРДАГИ ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ БОРАСИДА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

тылов бўлиб, ҳужжатларда тақрирланаверилади. Ваҳоланки, бунда паспорт бўлимларини ҳам айблаб бўлмайди. Чунки улар ўрнатилган тартибни бузишга ҳаққи йўқ, ҳужжатда қандай бўлса, шундай расмийлаштириладилар, ҳоло.

Ҳўш, бугунги кунда бу борада аҳвол қандай? 70 йил давомида йўл қўйиб келинган бепарволикка барҳам берилди-ми? Болаларимизу неварачевараларимиз қачонгача Алимов, Бабаджанов, Васыков, Гафуров, Дияров, Зиятов, Кадыров бўлиб юрадидилар? Назаримизда, бунга чек қўйиш вақти аллақачон келди.

Шу ўрнида бир мулоҳаза. Янги тузилган чалоконинг ота-онаси паспортларидаги фамилияси Джаббаров бўлса-ю, боланинг гувоҳномасига Жаббаров деб ёзилса (агар шунга рухсат этилса) насл-насаб бир авлод даврида, яъни 25 йилда ўз-ўзидан Жаббаров бўлиб тузатилади бўларди.

Яна бир фикр. Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтилиши муносабати билан нотариал идораларда ўзбек исмларининг тўлиқ рўйхати бўлиши керак. Чунки

ҳозиргача битта хатога йўл қўйилган бўлса, бундан кейин бошқа грамматик хатолар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун бу ёзувда исмлар рўйхати қўллаб нусхада чоп этилиб, ФХДе бўлимлари ва бошқа турли идораларга тарқатилиши лозим.

Назаримизда, ушбу тақлиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, бу борада зарур ишлар амалга оширилса ҳамда тегишли мутасаддилар ҳамда бош-қош бўлса, ҳужжатларимиз тўғри ёзилишига эришган бўларимиз.

Зухра АЗИМОВА, Адлия вазирлиги Нотариат, ФХД ва адвокатура бошқармаси бошлиги, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

Эркин Иброҳимовнинг мактуби Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХД ва адвокатура бошқармаси томонидан ўрганилди.

Унга кўра, 1989 йилгача болага фамилияси қандай бўлган бўлса, ота-онанинг ёки улардан бирининг фамилияси бўйичагина берилиши мумкин эди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган, ўзбек тилига

маларини қайд этиш Қондалари-нинг 23-бандига мувофиқ, агарда фамилия ёки ота исми имло хатолар ёхуд қисқартиришлар билан ёзилган бўлса, у фуқаро рўхсати билан тузатилиб давлат тилида ёзилиши мумкин. Масалан, паспортда Джураев Камил Сабинович деб ёзилган бўлса, янги тузилган боланинг фамилияси «Жураев» ёки «Собинович» ота исми эса «Комил ўғли» ёки «Комилевич» деб тўғрилаб ёзилиши мумкин. Боланинг исми устундаги маълумотлар ота паспортни асосида ўзгаришсиз, яъни «Джураев Камил Сабинович» шаклида ёзилади. Имловий хатоларни ФХДе органи ходими ўз ташаббуси билан тузатишга ҳақли эмас. Сабаби кўпинча ота-оналар болаларининг фамилияси,

ТАХРИРИЯТДАН Қунонча газетхон томонидан қўйилган муаммога мутахассис мулоҳазасини ҳавола этишимизнинг боси шуки, бир тарафлама фикр юритишдан тийилиш, ҳолислик нуктаи назардан шундай тўхтама келиши.

Азиз газетхон, сизни яна қандай камчиликлар қўйнамоқда, қайси саволларга жавоб олишни истайсиз? Бугундан бошлаб «Ўзбекистон овози» саҳифаларида «Газетхон муаммо қўяди. Мутахассис мулоҳаза билдиради» номли янги руки очилди. Марҳамат, мактубларингизни қутамиз.

Қадам донишмандлардан бири қалбда туғилган ҳар қандай яхши ният нурга ўхшайди, деган экан. Меҳр ҳам, савоҳат ҳам шундай. Қаршилик «Матбуот» дўқони ҳодимаси Муяссархон Усмонова одамларга ёрдам қилиб қўйишмаган кунларни умр санайди.

Кўнгилдаги нур

дирни ҳам олижаноб фазилатлар соҳиби қилиб тарбияламоқда. Ташкент шаҳрида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Матбуот тарқатувчи», «Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компаниялари ва шу соҳа қасаба уюшмалари ташаббуси билан «Энг савоҳатли оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Иштирокчилар анчагина эди. Бироқ танловда Муяссархон Усмонова оиласи биринчилигини қўлга киритди. Оилани қимматбаҳо совғалар топширилди. Ташкилотчилар оиланинг кенжаси —

Чорва қишлоғига пухта ҳозирлик қўриган қатор хўжаликларда иш кўнгилдагидек кетмоқда. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Қодир МАТЕҚУБОВ шундай дейди:

Иқтисод ва ислоҳот



65 фоизи ўстиришга қолдирилди. Бугунги кунда Қораўзақ туманидаги Ўразбой Серқозиев райслик қилаётган ширкак хўжалигида 12 минг 240 бош қўй-эчки 22 отарда, Кўнғирот туманидаги Бекжусип Муханов раҳбарлигидаги «Устюрт» ширкак хўжалигида 31 минг 662 бош мол 65 отарда кўнгилдагидек парварши қилинмоқда. Улардаги Сақен Избанов, Тўхтарбой Абдиқаримов, Ерман Ўримова, Ёшжонбой Серқозиев бошлиқ отарларда барча турдаги жониворлар шу кунларда алоҳида-алоҳида кўраларда боқилиб, қўшимча ем-хашак билан озиқлантирилмоқда.

рувчи хўжаликларга махсус патентлар олинди...

Бирлашмаимизнинг келажак режаси аниқ: бу йил қўйлар сонини 170 минг бошга, 2010 йилга бориб эса 227 минг бошга етказамиз. — Қўнонлар, подачилар ва уларнинг оила аъзоларига савдо хизмати кўрсатиш бизнинг асосий бурчимиз — суҳбатга қўшилди «Қорақалпоқ тути-яси» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Гулмираз Йўлдошев. — «Қизилқум», «Қизил қалъа», «Бухон-мери», «Кўнғиротқўй», «Мулк», «Жана дарё» сингари ўнлаб қорақўлчилик ширкак хўжаликлари, шунингдек, Чимбой, Кегайли, Кўнғирот каби қатор туманлар чорвадорларига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда амалий ишлар олиб бораётишимиз. Транспорт боролмайдиган жойларга олдиндан кундалик халқ истеъмолчи маҳсулотлари етказиб бериш ишларини йўлга қўйганмиз...

Бир сўз билан айтганда, қорақалпоғистонлик чорвадорлар қишлоқни ўзларига мўҳим синнов билиб, барча турдаги чорва молларини қиш фаслининг ўзига хос қийинчиликларидан беталафот олиб ўтмоқдалар.

«Ўзбекистон овози» мухбири Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди

РИМ ПАПАСИ КАСАЛХОНАДА



Рим Папаси Иоанн Павел II нафас олиши қийинлашгани туфайли «Джемелли» касалхонасига ётқизилди. Ватиканнинг расмий баённомасида 84 ёшли понтифик грипп касаллигига дучор бўлганлиги айтилган. Касалликнинг олдини олиш учун Пала касалхонага жўнатилди. Бундан ташқари у Паркинсон касаллиги ва бўғим огринидан азият чеқмоқда.

ҚИРОЛ ҲУКУМАТНИ БОШҚАРМОҚЧИ

Непал қироли Гьянендра янги ҳукумат рўйхатини эълон қилди. Рўйхат аввалиги ҳукумат истеъфого чиқарилиб, мамлакатда фавақулда ҳолат эълон қилинган куннинг эртасига ошқор этилди.

Қирол 10 кишидан иборат ҳукуматни ўзи бошқармоқчи. Унинг бу ҳаракатлари мамлакатда ва хоризжда танқидга учрамоқда. Қирол Гьянендра эски ҳукумат Непални кўзғолончилардан ҳимоя қила олмагани учун истеъфого чиқарилганини айтди. Мамлакатда фавақулда ҳолат эълон қилингани муносабати билан телефон алоқаси узилган, аэропорт ёпиб қўйилган. Қўчалар ҳарбийлар томонидан қўриқланмоқда.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти мамлакатда рўй берган менингит эпидемиясини тўхтатиш учун қўлларидан келган чораларни кўрмоқда. Бу ерда охириги 1 ой ичиде 250 одам касалланди, 16 киши ҳалок бўлди. Маҳаллий ҳукуматларга касалланиш ҳоллари ҳақида зудлик билан ахборот бериш ва 15 ёшгача бўлган болаларни эмлаш ҳақида кўрсатма берилди.

БИЛЛ КЛИНТОН МАХСУС ВАКИЛ



БМТнинг бош қотиби Кофи Аннан АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтонни Хинд океанида рўй берган тўфон оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзининг махсус вакили этиб тайинлади.

БМТ вакили сўзларига кўра, Клинтон ўзининг тиришқоқлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи учун ҳам махсус вакил сифатида танланди. У халқаро ҳамжамиятнинг тўфон оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштириб туради. Шунингдек, Индонезиянинг Ачех музофоти ва Шри-Ланкадаги зиддиятларни ижобий ҳал қилиш билан шугулланади.

АҚШ ВА БМТ ТОРТИШМОҚДА

АҚШ Судан ҳукумати ва ҳукуматга қарши ҳарбий тузилмалар мамлакатнинг Дарфур музофоти аҳолисини нисбатан геноцидга амалга ошираётганлигини маълум қилди. БМТ АҚШ департаменти баённомасида айтилган. Баённомда БМТнинг яқинда чоп қилинган ҳисоботидаги маълумотлар рад этилган. Давлат департаменти БМТ Дарфурда амалга оширилаётган геноцидни тан олиши ва бундай ҳолга йўл қўймайлик учун ҳаракатларни бошлаши кераклигини таъкидламоқда.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади.

«ОЛИМПИАДА — 2012» МЕҲМОНХОНАЛАРИ

Москва мэри Юрий Лужков мамлакат пойтахтида унча қиммат бўлмаган, лекин келажакда «Олимпиада-2012» иштирокчиларини қабул қилишга мослаштирилган меҳмонхоналар қурилиши бошлаб юборилгани ҳақида баёнот берди. Жами 52 та бундай меҳмонхона «чў юлдузи» бўлиб, уларга алоҳида ер майдонлари ажратилган. Умуман олганда 7 йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 230 та меҳмонхона бунёд этиш кўзда тутилмоқда. Бундай меҳмонхоналарни зарур пайтда яна турар-жойларга айлантириш мумкин экан.

ТАЙСОН ЖАНГА ШАЙЛАНМОҚДА

Машҳур боксчи, собиқ жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли Майк Тайсон кейинги уч ҳафта мобайнида таъкил мураббий Бадди Макгирт раҳбарлигида машқларга зўр бермоқда. У ўзи ҳақида тарқалган турли шишиқларга эътибор қилмаяпти. Қандай бўлмасин рингга қайтиш истайди. «Майк машғулотларга берилган, унинг қайғирити ҳам, шашти ҳам бандан, — дейди Бадди. — У янги жангга ҳозирланмоқда. Биз ишлаяпмиз. Ўйлайманки, икки ойдан кейин у албатта, рингга қўтарилади». Ҳозирча Майкнинг рақибни қим бўлиши номуаълум бўлиб турибди.



«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

# УМР БАРАКОТИ — ҲАЛОЛЛИКДА

100 ва ундан катта ёшдагилар Наманган вилоятида 400 нафарга яқин. Учқўрғонлик Ҳайриниса Юнусова ҳамда Наманган тумани Хонобод қишлоғилик Турсуноя Файназаровалар эса 124 ёшда

Табаррук ёшлар ҳузурда хиёл тортиноброқ, чарчатиб қўймасмикинман деган қимти-ниш билан турсан киши. 103 ёшли Абдуғани ота Қозокбоеви йўқлаб борганимизда ҳам дилмишда шундай ҳадик бор эди. Аммо отанинг очик чехраси ва қувнок феъли торти-нишга ўрин қолдирмади.

Шаҳар марказидаги Аҳси қўчасида жойлашган отанинг хонадони ўзига хос зиёрат-гоҳ. У кўпчилик ила қақчақла-шиб, диллашишга одатланган экан.

— Кексайганинг сари кўп нарсани эсингдан чиқариб бораркансан. Аммо кейинги пайтда авваллари элас-элас эслайдиганларим ҳам тез-тез ёдимга тушадиган бўлиб қол-ди. Барака топқурлар 100 дан ўтибсиз, деб ким дуо олгани қиради, ким эски замонлар-даги воқеалардан эшиттиси келиб йўқлайди. Гоҳ-гоҳ зе-риқиб, ўзимни теграб гузар-га чиқаман. Яратганинг шун-ча умр бериб, азиз қилиб

қўйганига шукур, дейман. Эс таниб элга қўшилганимдан бери не кунларни кўрдим, ой-нинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар-ку.

Бобомни Мирҳалил ҳожи дейишарди. Дадам Қозокбой ота шу гапни доим тайинлар-дилар: Опоқдоданнинг дуо-сини ол!

Онам Бувихонби билан жуда ҳамжиҳат яшаган. Деҳқончилик қилишарди. Уларнинг ёнида кетмон чопиб юриб воёга етдим. Оилада олти бола эдик. 4 синглим-дан кейинги укам Абдунаби жа илми эди. Бир умр мак-табда муаллимлик қилди. Худо раҳмат қилган бўлсин, ҳаммалари ўтиб кетишди.

Ўттизинчи йилда уйланган-ман. Қирч биринчи йилда урушга кетдим. Хотиним 3 бола билан ота-онанинг ёнида қолди. Урушдан 47-йилда қайтдим. Олти ёшли қизим қаттиқ бетоб экан. Кел-ган куним озиб, ранги сар-гайиб ётган қизалоғим

бўйимдан бир қучди-ю, узил-ди. Урушда кўрган-кечирган уқубатларим ҳам, чиппа тер-га ботиб, энтиқиб ётган қизимнинг бир зумгинада узилиши ҳам бир бўлди... У замонлар оғир эди. Одам бо-ласи қорин тўйдиришни ўйлаб, ҳар қанча меҳнатга чи-дарди.

Хе-е, бош эсон бўлса, бир кунингни кўриб яшайверар-кансан. У-у Николайнинг давридаги ситамлар-чи. Очарчилик йиллари, қама-қама даврлар-чи?.. Уруш йил-ларини-ку айтмасам ҳам бўлади. Шаҳрисабзда махсус тайёрловдан кейин мен бил-ан чақирилганлар хар томон-га бўлиндик. Ворошиловск, Минск, Польшадаги қирғинба-ротлар не-не азамат йигит-ларни тутдай тўқди.

Польша билан Брест ора-лигида Гомель деган жой бор. Шу ерда бир қабристонга жойлашганимизда қаттиқ отишма бўлди. Оёғимдан яра-ландим. Госпиталда ярим йилча доволашди. Шу-шу ўша госпиталда ишлаб қолдим. Урушдан кейин «Селхозснаб»-да ишладим.

Отаҳон ўз кечмишини гоҳ хўрсиниб, афсус, армон би-лан, гоҳ қулиб ҳўқоа қилар-кан, яхшилик, саҳийлик, ҳалол-лик гоат ноёб фазилат экани-ни қайта-қайта таъкидлади.

— Ҳазолийни ўқиганим-сан, болам? Мен-ку ўқиш-ёзишни билмай ўтдим. Аммо илмдор одамлардан эшитганим қулғимда қол-ган-да. Ёруғ дунёда энг бадқирдор иллат баҳиллик,



қизганчилик, ҳасад, ичи-қоралик. Шундан ўзимни олқочдим. Ҳалоллик — рўзгорингга ҳам, касб-ко-рингга ҳам, умрингга ҳам баракот ёғдирадиди. «Борин-гни қизгонма, айниқса, қўшингдан бирор нарсани қизгонмиш катта гуноҳ», деган ота-боболаримнинг ўғитига риоя қилдим. Борини баҳам кўриб, қаноат қилиб, эртанги кунга умид билан ҳаёт кечир-дим. «Бизнинг ёшлиқ, ўспирин-лик пайтларимиз оғир кечган. Ҳозирги дориломон кунларга етганимга, қариликда умргу-зарорлиқни кўрганимга минг бор шукур қиламан.

Шунча яшаб бир нарса-га имон келтирдим, соғаломат бўлай, узоқ яшай деган одам ёмон, хунук нарсалардан ўзини асра-ши керак.

Инсониятга энг зиёда бахт тинчлик-хотиржамлик, тани-сихатлик. Тинч ётсанг, соғ турсанг ишингда умум, еяр-ичаринг ҳам жойида бўлади. Бир умр кўрамдан қўй узил-мади, сигир қилиб, дастурхо-нимдан сўт-қатиқни қанда қилмадим.

103 ёшда ҳам қувонса қа-ҳқах отиб қуладиган, сўзини чертиб-чертиб айтадиган, оп-поқ соқоли-ю, юзидаги нур,

қўзларидаги тиник ёлқин жус-сасига ўзгача виқор бағиш-лаган лиру бадавлат отахон-га, унинг тетиккина ҳаракат-ларига ҳавасингиз келади. 100 ёшга кирмок бахти ҳақида ҳам ўйлай бошлайсиз.

— Болаларимнинг бирор-таси ноҳўй қадам босмади. Уй-жойли, ували-жували, эл-юрт қориди. Шунинг ўзи бир бахт, ҳаммага шундай бахт насиб этсин, — отахон дуога қўл оқлади. — Сунгра яна бир ўғитни ёзиб қўйинг: — Ота-онани бор киши энг биринчи гада уларнинг дуо-сини олсин. Нимаки қилсанг, ўзингга қайтади...

Дарвоқе, Абдуғани отанинг 4 ўғил, 4 қизи бор. Улар ўзи-дан кўпайишган, 20 дан зиёд набира, 60 чеваранинг қувон-чу ташвишлари табаррук ёшли бобога қуч-қувват ба-ғишлайди.

Маҳалладошлар, қўшни-ю, қариндош-элдолари эъзо-зида Мўйраби ая билан умргу-зарорлик қилаётган табаррук отахоннинг суҳбати ҳамиша ҳикматларга қоришиқ. Бу суҳ-батлар замирида узоқ умр кўриш сири ҳалолликдир, деган давбат бор.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## Янги китоб ТАРИХНИНГ ЁЗИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Яқинда «Қорақалпоғистон» нашриёти таниқли олим, Қорақалпоғистон Республикаси фан аربоби, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи, профессор Шариф БАБАШЕВнинг «Қорақалпоғистон Республикаси тарихидаги сийбей қурбонлар» номли китобини босмадан чиқарди.

Унда XX асрнинг 20 — 30-йилларида миллий озодлик учун олиб борилган курашларда шайхид кетган эл фарзандларининг тақдири-ю оғир қис-мати тўғрисида фикр юритил-ди. Китобдаги далилларга кўра, 1929 йилда Қорақалпо-ғистоннинг шимолий туманла-рида халқ қўзғолони иштирок-чиларидан 252 киши жазага тортилган бўлиб, улар усти-дан 7 мартаба суд жараёни ўтказилган. 1937-38 йилларда-ги қонли қатагонларда эса қорақалпоқ халқи ўзининг Ал-лаёр Дўстназаров, Қосим Аве-зов, Абу Худобоев, Қуптилеу Нурмухамедов, Ўтениёз Бе-кимбетов, Жумабой Қурбон-ов сингари минглаб доворак фарзандларидан айрилди.


— Мустабид тузумнинг оғир асоратларидан бири, шубҳа-сиз 30-йилларнинг қатагон сиёсатидир. Бу муҳиш кам-пания оқибатида қорақалпоқ халқи ҳам ўзининг не-не ўғлонларидан ажралди. Хусу-сан, биргина 1938 йилнинг 13 октябрыда собиқ СССР Олий суди харбий ҳайъатининг қўча сессиясида 50 нафар қорақалпоқлик устидан суд

жараёни бўлиб ўтади. Унда 40 киши «халқ душмани» деб айбланиб, беғуноҳ отилади. Бу кун миллат тарихига «қон-ли жараён кўни» номи билан муҳрланди.

Китобда шунингдек, Қора-қалпоғистон Республикаси иқтисоди ва маданиятини ри-вожлантиришда фаол хизмат-лари билан танилган Даулет Ризаев, Қарим Балтаев, Мен-глихўжа Иниаминов, Қаландар Адинаев, Ислам Алиев, Садиқ Айтбаев каби фидойи киши-лар, қолаверса, ўша даврлар-да собиқ иттифоқ ҳудудида авж олган зуравонлик сиёса-тининг қурбонига айланган 900 га яқин эл фарзандлари тўғрисида маълумот берил-ди. Бундан ташқари, қамок-хонадаги азобларга чидалмай қурбон бўлган 4 мингдан зиёд кишиларнинг номлари ҳам қайд қилинган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур китоб халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган минг-лаб фидойи инсонларнинг номларини абадийлаштириш учун муҳим асос бўлади, дейиш мумкин.

(Ўз мухбиримиз)



## Футбол СТАДИОНДА УЧРАШГУНЧА...

9 февраль кунини Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентда 2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинида Саудия Арабистони футболчиларини қабул қилади.



Айни пайтда футболчилари-миз мазкур учрашувга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Тайёр-гарликни уч қисмга бўлишимиз мумкин: 3-11 январь, 12-23 январь ҳамда 26 январь-8 фев-раль.

Жамоамиз БААда ташкиллаш-тирилган йигиринларни яқунлаб, Тошкентга қайтиб келгач, 26 ян-варга қадар қисқа муддатли таътил олди.

25 январь кунини бўлган мат-буот анжуманида миллий терма жамоага янги бош мураббий тайинланди. Шу қўнғача мас-лаҳатчи мураббий бўлиб ишлаган

Юрген Гедде 2005 йилнинг охи-рига қадар термага раҳбарлик қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тайёргарликнинг учинчи босқичида номзодлар германиялик мутахассис қўл остида тайёргарликка киришишди. Утган ҳафтанинг чоршанба кунини маҳаллий клубларда тўп сураётган футболчилар билан бир-га легионерларимиздан М.Бикмаев («Крилья Советов», Самара), И.Зейтуллаев («Реджи-на» Италия) мураббийлар ихтиё-рига етиб келди.

Кунини кеча номзодлар пойтах-тимиздаги муҳташам «Ўзбеки-стон» меҳмонхонасидан қўним топишди. Эндиликда улар 9 февралга қадар шу ерда исти-комат қилишади.

— Тайёргарликни дастлаб 3 январдан ички чемпионатимиз-да тўп сураётган футболчилар билан бошлашгадир, — дейди жамоа катта мураббийи Равшан Ҳайдаров. — 26 январдан бош-лаб эса машғулотларга легио-нерларимиз ҳам жалб этилган. Айни пайтда терма жамоа тар-кибидаги 28 нафар футболчи-нинг аксарияти ихтиёримизда. «Локомотив» аъзолари Мами-нов, Пашинин ва Поляковлар ҳам бугун етиб келишади.

Эрта-индин хоржий клублар-да тўп сураётган барча легио-нерларимиз машғулотларга ки-ришишади. Ҳозирда терма жа-моамиз аъзолари пойтахтимиз-даги «Пахтакор», «МХСК» стади-онлари ва Қўбрайдаги ўқув ба-засида машғулотлар ўтказиш-моқда.



Сообщение о существенных фактах ОАО «TOSHKENTDONMANSULOT»

Порядковый номер сообщения — 07

Дата принятия решения о дате на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 31 января 2005 года.

Дата на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 1 февраля 2005 г.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти ҳамда «Муллоқот» журнали жамоалари Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мирмуҳсин МИРСАИДОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими Роҳила Исматуллаевага онаси

МАХБУБА аянинг вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

## «НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

ОАЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2004 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан бўладиган акциядорларнинг умумий мажлиси 2005 йил 5 март кунини соат 12.00 да жамият ижроия идораси биносида ўтказилади. Акциядорлар соат 11.00 да рўйхатдан ўтадилар.

- КУН ТАРТИБИ:**
1. «Наврўз деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
  2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.
  3. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлаш.
  4. Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
  5. Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
  6. 2004 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
  7. 2004 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
  8. Жамиятнинг 2005 йилги иш режасини (бизнес режа) тасдиқлаш.
  9. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харajatлар сметасини тасдиқлаш.
  10. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият Аудитори-ни тасдиқлаш.

|                          |         | Минг сўм                   |        |
|--------------------------|---------|----------------------------|--------|
| Актив                    |         | Пассив                     |        |
| Асосий воситалар         | 31658   | Устав капиталли            | 50000  |
| Кап.қўйилмалар           | 122799  | Резерв капиталли           | 20896  |
| Пул маблағи              | 7665    | Тақсимланмаган фойда       | 1887   |
| Товарлар                 | 7523    | Мақсадли тушумлар ва фойда | 104011 |
| Акция                    | 20194   | Кредиторлар                | 42467  |
| Келгуси давр сарфлари    | 17419,4 | Жами                       | 219261 |
| Кечиктирилган харajatлар | 3407,6  |                            |        |
| Дебиторлар               | 8595    |                            |        |
| Жами                     | 219261  | Соф фойда                  | 1263,5 |

Мажлисида акциядорлар реестрининг 2005 йил 2 февраль ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (но-тариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

**Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»**

объявляет тендер № 1 на 2005 год на приобрете-ние ниже перечисленных материалов, запасных частей по лотам:

Лот 1: Поставка вагон-комплекта — 2 шт.  
Лот 2: Вал коленчатый в сборе с противовесами на тепловоз ЧМЭЗ — 5 шт.  
Лот 3: Подшипники буксовые для грузовых ваго-нов 30-42726 — 3000 шт.  
Лот 4: Подшипники буксовые для грузовых ваго-нов 30-232726 — 3000 шт.  
Лот 5: Вкладыши МОР ЭД 118 А 8ТХ-263-178/179-600 пар.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлөнилгитаьмин», ком-ната 410, тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34

**Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.**

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Ashur QODIROV  
Bobir ALIMOV  
Habib SA'DULLA  
Norbobo SHAKAROV  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Alimqul SULTONOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Andrey ORLOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)  
Nomoz SA'DULLAYEV  
To'lepbergen QAIPIBERGENOV  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Olim MURODOV  
Abdug'ani MAMASODIQOV  
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIY PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55  
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36  
Parlament va huquq 136-76-21  
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43  
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83  
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 222-10-92  
Gulistonda — 25-03-80  
Jizzaxda — 5-49-85  
Navoiyda — 3-39-20  
Namanganda — 6-43-43  
Nukusda — 222-70-15  
Samarqandda — 35-20-54  
Urganchda — 226-51-35  
Farg'onada — 26-43-62  
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**  
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Naybatchi: Shehaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.  
Kerakli manzil: Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma tabaq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 155  
11284 nusxada bosildi  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.00.  
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda